

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

**НОРМАТОВА ШАХНОЗА АНВАРОВНА**

**АҲОЛИ ОВҚАТЛАНИШИДА СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ  
ЎРНИНИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХАВФСИЗЛИГИНИ  
БАҲОЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Норматова Шахноза Анваровна**

Аҳоли овқатланишида сут ва сут маҳсулотларининг  
ўрнини ва уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлигини  
баҳолаш..... 3

**Норматова Шахноза Анваровна**

Роль молока и молочных продуктов в питании  
населения и оценка безопасности при производстве  
молочных продуктов..... 21

**Normatova Shakhnoza Anvarovna**

The role of milk and milk products in nutrition  
of population and its assessment of the safety  
in manufacturing ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

**НОРМАТОВА ШАХНОЗА АНВАРОВНА**

**АҲОЛИ ОВҚАТЛАНИШИДА СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ**  
**ЎРНИНИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХАВФСИЗЛИГИНИ**  
**БАҲОЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib38 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бахритдинов Шаҳоб Самарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Худайберганов Анатолий Сагитбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шаҳноза Тулкиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолиси орасида жон бошига истеъмол қилинадиган сутнинг кунлик меъёри 500 г ни, сут маҳсулотларининг меъёри эса 900-1000 г ни ташкил қилади. Бироқ бу миқдор дунёнинг қатор мамлакатларида кун сайин камайиб бормоқда. АҚШда тахминан 37%, Германияда 15%, Буюк Британияда 20%, Россияда 36%, мамлакатимизда эса 42%гача кам истеъмол қилинмоқда<sup>1</sup>. Овқат рақioniда сут ва сут маҳсулотларининг етишмовчилиги овқат билан боғлиқ бўлган турли касалликларнинг келиб чиқишига шароит яратиши билан тиббий – ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда аҳоли овқатланиш рақioni таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳамиятини ўрганиш ҳамда касалликларни даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, аҳоли овқат рақioni таркибини унинг иш шароити ва саломатлик ҳолатига боғлиқлигини илмий асослаш, касалликларни олдини олишда сут маҳсулотларининг ўрни ва аҳамиятини исботлаш, сифатли ва хавфсиз сут маҳсулотлари билан таъминлаш мезонларини такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда унинг сифатини яхшилашга қаратилган мавзуларда илмий изланишларни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди, кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан, овқатланиш билан боғлиқ бўлган ошқозон-ичак тизими, камқонлик, остеопороз, моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликларни олдини олиш, эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, нотўғри овқатланиш орқали келиб чиқадиган касалликларни олдини олиш, аҳолининг соғлом овқатланиши, сифатли ва хавфсиз сут маҳсулотлари билан таъминлаш орқали ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги», 2015 йилдаги «Аҳолининг санитар - эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунлари, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», Вазирлар

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2013, 2014

<sup>2</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора - тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 102-сон қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги муаммолари дунё олимлари томонидан кенг ва мукаммал тартибда ўрганилмоқда (Тутельян В.Е., 2009, Онищенко Г.Г., 2009). Бу йўналишида ЖССТ томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, сурункали касалликларни камайтириш ва ижтимоий шароит яратиш бўйича глобал стратегияси ишлаб чиқилди (Geneva, WHO, 2002). Хорижий олимлар томонидан қорамоллар сутини этологик жиҳатдан баҳолаш ва башорат қилиш, сут ва сут маҳсулотлари сифати ва функционал йўналишга қаратилган комплекс технологиясини ишлаб чиқиш, хом сут сифатини баҳолаш ва товаршунослик, сут маҳсулотлари брендинги стратегиясини шакллантириш, сут маҳсулотларининг микробиологияси, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини бошқариш (Чугунов В.А., 2007, Пономарева А.Н., 2009, Шилов О.А., 2012, Нигматуллина О.Ю., 2013, Степаненко П.П., 2015, Денисов М.С., 2015) га бағишланган тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳақиқий истеъмол ҳолати, рационда оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар ва микроэлементлар етишмовчилиги асосланиб, овқатланиш билан боғлиқ турли касалликларнинг эпидемиологияси (камқонлик, гепатит, юрак хафакон касаллиги ва б.) таҳлил қилинган ва шу асосда соғлом овқатланиш қоидалари ишлаб чиқилган (Бойкулов А.А., 2003, Шовалиев И.Х., 2003, Азизова Ф.Л., 2004, Алимухамедов Д.Ш., 2006, Худайберганов А.С., 2007, Шайхова Г.И., 2015), аммо сут маҳсулотларининг иқлим, ёш, жинс ва даромад гуруҳларига қараб ҳақиқий истеъмол ҳолати, ишлаб чиқариш, сақлашнинг турли технологик жараёнида маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирувчи хавфли, ёт моддаларнинг микдорий кўрсаткичлари ва ифлосланишига олиб келадиган гигиеник шароитни асослашга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли эмас, шунингдек сут маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда, республикада аҳоли овқатланишида сут маҳсулотларининг ўрни ва уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кенг қамровда ёритилмаган. Бу эса Ўзбекистон шароитида сут маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичларини тиббий-биологик, ижтимоий-гигиеник, экологик ва бошқа ҳаёт тарзи омиллари таъсири ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш орқали комплекс ўрганиш» (2013-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иссиқ иқлим шароитида сут маҳсулотларининг ҳақиқий истеъмолини баҳолаш, тайёр сут маҳсулотининг сифат ва хавфсизлигини доимий тизимли назоратини гигиеник параметрларини асослаш, сут корхоналарида технологик жараёни ўрганиш ва меҳнат шароитини соғломлаштириш бўйича гигиеник тавсияларни ишлаб чиқаришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳоли овқатланиши тизимида сут маҳсулотларини ўрни ва турини, ҳақиқий истеъмол ҳолатини ўрганиш;

сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги замонавий технологияларни босқичма-босқич ўрганиш ва гигиеник баҳолаш, сут маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигига ишлаб чиқариш жараёнидаги турли технологик босқичлардаги омиллар таъсирини баҳолаш;

сут маҳсулотларини кимёвий, биологик моддалар билан ифлосланиш даражасини ва уларни кунлик истеъмол қилинаётган маҳсулотдаги миқдорини баҳолаш;

сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчилар организмига таъсир этувчи иш шароитларини ўрганиш;

сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сифатини текшириш, ишловчиларнинг иш шароитини оптималлаштириш борасида доимий мониторингини олиб боришни ташкил этиш бўйича санитар-гигиеник тадбирлар тизимини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аҳоли овқатланиш рациони ва аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган ҳамда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг сут корхоналари ва хусусий фермаларида ишлаб чиқилган сут маҳсулотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сут маҳсулотларининг аҳоли овқатланишидаги ўрнини ўрганиш ва ишлаб чиқаришда хавфсизлигини баҳолаш, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда гигиеник, кимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси аҳолиси овқатланиши тизимида илк бор сут маҳсулотларининг иқлим, ёш ва жинсга нисбатан ҳақиқий истеъмол ҳолати аниқланган;

кунлик овқат рационадаги сутнинг кимёвий ва биологик моддалар қолдиқлари билан ифлосланиши асосланган;

иссиқ иқлим шароитини инобатга олган ҳолда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш бўйича гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда сутнинг ифлосланиш даражаси бактерицид, нордон сут бижғиш ва аралаш бижғиш босқичларида асосланган;

сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчига бўлган жараёнларда аҳоли саломатлиги муҳофазасига қаратилган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминловчи тизим такомиллаштирилган;

сут ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларнинг иш шароитини оптималлаштириш борасида доимий мониторингини олиб боришни ташкил этиш бўйича санитар-гигиеник тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси аҳолисининг кунлик овқат рациона таркибида сут маҳсулотларнинг истеъмол ҳолати ўрганилиб, амалдаги санитария меъёр ва қоидалар асосида баҳоланган;

истеъмол қилинаётган кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларини жинс ва ёш гуруҳлари бўйича истеъмол қилиш даражаси баҳоланган;

Фарғона водийси аҳолисини сут маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган сут-товар фермаларининг иш шароити гигиеник баҳоланган;

сут маҳсулотлари таркибидаги кимёвий ва биологик моддаларнинг қолдиқ микдорлари ўрганилган;

сут маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигининг кузатув назорат нуқталари ва гигиеник мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи санитар-гигиеник, кимёвий, инструментал усуллар билан тасдиқланганлиги ҳамда етарли даражада аҳоли сони, сут ва сут маҳсулотлари, сут ишлаб чиқарувчи корхоналар ва сут – товар фермалари олинганлиги, статистик жиҳатдан тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, республика аҳолисининг овқатланишда сут ва сут маҳсулотларининг ўрни, шунингдек турли шароитларда ишлаб чиқилган сут маҳсулотларининг гигиеник хусусиятлари тўғрисида маълумотлар олинган. Сут маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигининг кузатув назорат нуқталари ва гигиеник мезонларини аниқлаш учун сут маҳсулотларининг сифатини шакллантиришда технологик шароитларнинг аҳамияти кўрсатилган. Фарғона водийси аҳолисини сут маҳсулотлари билан таъминловчи сут корхоналарининг, хусусан, сут-товар фермаларининг меҳнат шароитларига гигиеник баҳо берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, аҳолининг кунлик рациона таркибида сут ва сут маҳсулотларининг меъёрий



даражасини жинс ва ёшга нисбатан ўрганиш, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача бўлган жараёнда сут маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, сут корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат шароитини доимий мониторингини ташкиллаштириш бўйича санитар-гигиеник тадбирларни асослаш, сут маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилувчи лаборатория хизматини ташкиллаштириш бўйича тавсияларни тайёрлаш зарурлиги исботланган. Сут маҳсулотлари таркибидаги кимёвий, биологик моддалар ва пестицидларни зарарсизлантириш бўйича гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилган, яъни пестицидларни толерант концентрацияларини зарарсизлантириш учун пестицидларни кимёвий тузилишига қараб фосфорорганик пестицидларда пастеризация, стерилизация, қайнатиш, хлорорганик пестицидлар учун нордон сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сутнинг ёғ қисмини ажратиш чора-тадбирлари тавсия этилиб, атроф-муҳитда ва озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларнинг гигиеник меъёрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аҳоли овқатланишида сут маҳсулотларининг ўрни ва уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида сифати ва хавфсизлигини яхшилаш мақсадида «Сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сифатини текширишнинг назоратини ташкил этиш» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8н-д/33-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар сут ишлаб чиқариш корхоналарини санитар - гигиеник талаблар асосида лойиҳалаштириш ва қуриш, сут ва сут маҳсулотларининг органолептик, микробиологик ва кимёвий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида пестицидларнинг қолдиқ миқдорларини аниқлаш мақсадида «Атроф-муҳитда ва озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларининг гигиеник меъёрлари» (СанМваҚ 0308-13) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8н-д/33-сон маълумотномаси). Мазкур қонуний ҳужжат атроф-муҳитда ва озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида пестицидларнинг қолдиқ миқдорини аниқлаш ва даврий равишда назорат қилишга имкон берган;

аҳоли овқатланишида сут маҳсулотларининг ўрнини ва уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Фарғона, Андижон ва Наманган вилояти ДСЭНМлари, Андижон «Rash Milk» сут заводи, шунингдек, Фарғона вилоятидаги сут товар фермаларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 09 ноябрдаги 8н-з/35-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида Фарғона водийси аҳолисининг кунлик овқат рационини таркибида сут ва сут маҳсулотларининг ўрни исботланган, сут ишлаб чиқариш корхоналаридаги кузатув назорат нуқталарини ўрнатиш ва тизимли мониторинг олиб бориш

натижасида сутнинг сифати ва хавфсизлик кўрсаткичларининг 20%га ижобий томонга ўзгариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражаси диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишинчилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сут маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигининг ҳозирги замондаги долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи боби ўрганилаётган муаммо бўйича илмий манбалар таҳлиliga бағишланган бўлиб, аҳоли овқатланишида озиқ-овқат маҳсулотларининг, жумладан сут ва сут маҳсулотларининг ўрни, сифати ва хавфсизлиги, яъни унинг кимёвий ва биологик моддалар қолдиқлари (оғир металл тузлари, пестицидлар, нитратлар, микотоксинлар ва антибиотиклар) билан ифлосланиши ҳамда сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларининг гигиеник муаммолари кўриб чиқилган. Адабиётлар мушоҳадасида барча давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш нафақат соғлиқни сақлаш тизими доирасида, балки давлат миқёсида кенг қамровли чора тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Аҳоли овқатланишида сут маҳсулотларининг истеъмоли, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш методологияси**» деб номланган иккинчи боби тадқиқотнинг материаллари ва усуллари бағишланади. Сут ва сут маҳсулотларининг ҳақиқий истеъмол ҳолатини гигиеник баҳолаш Фарғона шаҳри, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида олиб борилди. Аҳолининг ҳақиқий истеъмол ҳолатини ўрганиш анкета усулида амалга оширилди (2131 анкета).

Сут маҳсулотларининг истеъмолдаги миқдорини ўрганиш ёшга, жинсга қараб ва мавсумий (қиш-баҳор ҳамда ёз-куз) таҳлил қилинди. Ушбу ҳудудларда овқатланиш статуси ўрганилди, ҳақиқий сут маҳсулоти истеъмоли ҳолатига баҳо берилди ва амалдаги меъёрлар билан солиштирилди (СанҚваМ 0105-01).

Сутнинг сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқлашда қуйидаги меъёрий ҳужжатлардан: «Хом ва тайёр маҳсулотлар»да кўрғошин миқдорини аниқлашда Давлат стандарти 26932-86; «Хом ва тайёр маҳсулотлар»да қалай миқдорини аниқлашда Давлат стандарти 26935-86; «Хом ва тайёр маҳсулотлар»да симоб миқдорини аниқлашда Давлат стандарти 26927-86; «Хом ва тайёр маҳсулотлар»да мис миқдорини аниқлашда Давлат Стандарти 26931-86; «Хом ва тайёр маҳсулотлар»да рух миқдорини аниқлашда Давлат Стандарти 26934-86 фойдаланилди.

Сут маҳсулотлари таркибида антибиотикларни аниқлаш ДавСТ 30711-2001 «Сут. Антибиотикларни аниқлаш усуллари»га асосан ишлаб чиқилган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида антибиотикларни аниқлаш учун кўрсатмага биноан олиб борилди. Афлотоксин М<sub>1</sub> юпқа қаватли хроматография усулида аниқланди ва баҳолашда услубий кўрсатма 4082-86 дан фойдаланилди. Пестицидларни аниқлаш «ЦВЕТ» хроматографларида олиб борилди. Пестицидлар қолдиқ миқдорини гигиеник баҳолашда Давлат Стандарти 23452-93 «Сут маҳсулотлари». Хлорорганик пестицидларнинг қолдиқларини аниқлаш усуллари, СанҚваМ 42-123-4540-87 «Озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларни максимал рухсат этилган даражаси ва уларни аниқлаш усуллари»дан фойдаланилди. Нитратларни аниқлашда В. П. Саяпин ва ҳаммуаллифлар тавсияларидан фойдаланилди (1988). Сут маҳсулотларининг бактериологик кўрсаткичларини аниқлаш Давлат стандартлари 9225-84, 10444.11-89, 10444.15-94 асосида амалга оширилди. Микробиологик кўрсаткичларни аниқлашда намуна синамаларини тайёрлаш Давлат стандарти 26669-85 фойдаланилди. Сут маҳсулотларида умумий микроблар сони, коли-титр, коли-индекс аниқланди. Сут фермалари ва сут заводида пастеризация самарадорлигини аниқлашда Давлат стандарти 3623-90 «Сут маҳсулотлари». Пастеризацияни аниқлаш усулидан фойдаланилди.

Сут ишлаб чиқаришда меҳнат шароитига баҳо беришда ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво муҳити ҳолати (кимёвий моддалар), метеорологик шароит (ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракат тезлиги) ўрганилиб, натижалар СанҚваМ 0203-06 бўйича солиштирилди. Метеорологик шароитни ўрганишда ҳарорат ва нисбий намликни аспирацион Ассман психрометри, ҳаво ҳаракати тезлигини анемометр ёрдамида аниқланди.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ишчи ҳавоси зонасининг чангланганлиги тортиш усулида ўрганилди. Шовқинни аниқлаш ДавСТ 12.1.050-86 бўйича ўтказилди, шовқиннинг даражаси ва частотали спектри «Шумомер Ш-63» асбобида аниқланди. Олинган натижалар СанҚваМ 0120-01 «Иш жойларида шовқинни рухсат этилган даражаларининг санитария меъёрлари» бўйича баҳоланди. Ёритилганликни аниқлаш люксметрда амалга оширилиб, ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритилганлик» бўйича баҳоланди.

Касалланишни ўрганишда вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик варақаларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилди. Меҳнат шароитининг зарарлилик даражаси СанҚваМ 0141-03 «Ишлаб чиқариш муҳитида зарарли ва хавфли омилларга асосан меҳнат шароитини гигиеник таснифи, меҳнат шароитини оғирлиги ва кучи» бўйича баҳоланди.

Касалланишни таҳлил қилишда халқаро касалликларни таркиби ва таснифи (ХКТ–10, 1993)дан фойдаланилди.

Жами 9447 та текширишлар амалга оширилди.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача квадратли оғиш ( $\sigma$ ), стандарт хатоликлар ( $m$ ), нисбий ўлчамлар (частота %) ҳисоблаб чиқарилишини ўз ичига олган статистик таҳлилнинг амалий дастурлари пакетида фойдаланилган ҳолда статистик ишланди.  $P < 0,05$  аниқлик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Аҳолининг турли гуруҳлари кунлик овқат рационада жон бошига тўғри келадиган сут ва сут маҳсулотлари ҳақиқий истеъмолининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Фарғона водийси (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари) аҳолисининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган ҳақиқий истеъмол ҳолатининг иқлим, жинс ва ёшга, шунингдек даромади гуруҳларига нисбатан тавсифи берилган.

Олинган натижалар, 75% аҳоли кунига бир марта, 5% икки марта сут истеъмол қилиши, 20% аҳоли эса умуман сут истеъмол қилмаслигини кўрсатди. Анкета сўровлари кузатув ҳудудларида сут маҳсулотларини (қатик, қаймоқ, сметана, сузма ва бошқалар) 95% аҳоли истеъмол қилиши аниқланди. Умумий ўрганилганларнинг 90% бир марта сут маҳсулотларини истеъмол қилса, 10% икки марта сут истеъмол қилишини билдирганлар. Шаҳарда 50% аҳоли сут ва сут маҳсулотларини кўлдан (бозор киради), 40% магазиндан харид қилишини таъкидлаганлар. Қишлоқ жойларда аҳолининг 80-90% шахсий қорамоли бўлиши ҳам ҳисобга олинди. Сут маҳсулотлари истеъмолини даромад гуруҳларига кўра ўрганиш статистик тафовут мавжуд эмаслигини кўрсатди.

ЖССТ/ФАО маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда сут истеъмоли йилига 67,54 кг ни, кунига эса 187,5 г ни ташкил қилади. Сут маҳсулотларининг ҳақиқий истеъмолини баҳолаш бўйича таҳлил қилинган анкеталар натижалари ушбу маҳсулотларнинг истеъмоли гигиеник меъёрлардан кам эканлигини кўрсатди (1-жадвал). Ўрганилаётган ҳудудда сутнинг ўртача кунлик миқдори 144,4 г даражада аниқланди.

Келтирилган маълумотлар, Фарғона водийси аҳолиси истеъмол қилаётган сутнинг миқдори республика ва халқаро меъёрлардан кам эканлигидан далолат беради. Аҳоли орасида сутни кам истеъмол қилинганлигининг асосий сабаби, кунлик рационда дон маҳсулотларини, хусусан, нон, турли макаронлар, қора ва қўқ чой аҳоли томонидан кўп истеъмол қилинади.

Сут ва сут маҳсулотларини аҳоли жинсига қараб кунлик ҳақиқий истеъмол ҳолати,  $M \pm m$


| Маҳсулот тури  | Эркаклар<br>1079 | Аёллар<br>1052   | t    | P      | Жами<br>2131 | %   |
|----------------|------------------|------------------|------|--------|--------------|-----|
| Сут            | 141,1 $\pm$ 14,6 | 147,8 $\pm$ 15,2 | 0,32 | >0,05  | 144,4        | 23  |
| Қаймоқ         | 25,47 $\pm$ 3,3  | 32,07 $\pm$ 2,3  | 1,64 | >0,05  | 28,77        | 4   |
| Қатик          | 226,2 $\pm$ 6,2  | 194,0 $\pm$ 4,5  | 4,20 | <0,001 | 210,1        | 34  |
| Айрон          | 57,75 $\pm$ 6,2  | 31,27 $\pm$ 7,8  | 2,66 | <0,01  | 44,51        | 7   |
| Қуюқ қаймоқ    | 59,54 $\pm$ 7,0  | 53,78 $\pm$ 6,1  | 0,62 | >0,05  | 56,66        | 9   |
| Пишлоқ         | 15,98 $\pm$ 2,3  | 15,46 $\pm$ 1,8  | 0,18 | >0,05  | 15,72        | 3   |
| Шўртанг пишлоқ | 13,92 $\pm$ 0,9  | 10,84 $\pm$ 1,8  | 1,53 | >0,05  | 12,8         | 2   |
| Сузма          | 43,69 $\pm$ 5,6  | 45,33 $\pm$ 5,4  | 0,21 | >0,05  | 44,51        | 7   |
| Чучук қатик    | 22,43 $\pm$ 4,5  | 23,59 $\pm$ 6,8  | 0,14 | >0,05  | 23,01        | 4   |
| Ивиган қатик   | 21,49 $\pm$ 2,1  | 25,90 $\pm$ 1,2  | 1,82 | >0,05  | 23,33        | 4   |
| Йогурт         | 16,81 $\pm$ 0,9  | 21,31 $\pm$ 1,2  | 3,00 | <0,01  | 19,21        | 3   |
| ЖАМИ:          | 644,4            | 601,4            |      |        | 622,9        | 100 |

Аҳолини кунлик рационидида сут маҳсулотларини жинс ва ёшга қараб миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш уларни республикада қабул қилинган гигиеник меъёрлар билан солиштиришга имкон беради. Сут маҳсулотларини жинсга қараб ҳақиқий истеъмол ҳолатининг таҳлили эркаклар ва аёллар ўртасида қатик ( $P < 0,001$ ), айрон ( $P < 0,01$ ), йогурт ( $P < 0,001$ ) истеъмолида статистик фарқ мавжуд бўлиб (1-жадвал), яъни эркаклар қатик ва айронни, аёллар йогуртни кўп истеъмол қилиши аниқланди.

1-жадвал маълумотларига кўра, аҳоли кунлик рационидида сут маҳсулотларидан қатик 34%, сут 23%, сметана 9%, айрон ва сузма 7% ташкил этиб, қолган маҳсулотларнинг миқдори эса 4% паст эканлиги аниқланди. Агар бир кунда бир киши ўртача 2,5 кг маҳсулот истеъмол қилишини ҳисобга олсак, унинг 24,88% ни сут маҳсуллари ташкил қилиши аниқланди, яъни меъёрдан 9-10% га кам. Сут маҳсулотлари орқали организм 28,1 г оксил, 46,78 г ёғ, 22,16 г углеводлар ва 5,08 г органик кислоталар билан таъминланиши аниқланди. Сут ва сут маҳсулотларининг умумий қуввати 682,1 ккалга тенг бўлди. Илмий асосланган меъёрлар бўйича сут ва сут маҳсулотлари рационнинг 1/3 қисмини ташкил этиши керак (ўртача кунлик рацион 3000 ккал бўлса, унинг 1000 ккал сут маҳсулотлари ҳисобига).

Диссертациянинг «Аҳоли кунлик овқат рационидидаги сут маҳсулотларида кимёвий ва биологик моддалар қолдиқларини гигиеник баҳолаш, сут маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигининг назорат тизимини ўрнатиш» деб номланган тўртинчи бобида сут маҳсулотлари таркибида доимий хавф солувчи детерминант моддалардан оғир металл тузлари, пестицидлар, микотоксинлар, микроблар ва нитратларнинг қолдиқ миқдори амалдаги санитария меъёрлари ва қоидаларига асосан баҳоланган.

Фарғона водийси аҳолиси томонидан истеъмол қилинаётган сут ва сут маҳсулотларини таҳлил қилиш уларнинг таркибида аҳоли саломатлигига потенциал хавф туғдирувчи кимёвий ва биологик ксенобиотикларнинг мавжудлигидан далолат беради.



■ Қўрғошин (РЭМ 0,5 мг/кг) ■ Мис (РЭМ 1,0 мг/кг) ■ Рух (РЭМ 5,0 мг/кг)

1-расм. Фарғона водийси вилоятларида сут маҳсулотлари таркибида оғир металллар миқдори

1-расмда Фарғона водийси ҳудудларида сут маҳсулотларида оғир металл тузлари қолдиқларининг кўрсаткичлари берилган бўлиб, аҳоли истеъмол қилаётган сут маҳсулотларида қўрғошин, мис ва рухнинг миқдорий кўрсаткичлари вилоятлар кесимида кескин фарқ қилмади.

Қўрғошин оғир металл сифатида сурункали захарланиш чақириши билан хавфлидир. Биз тадқиқотлар олиб борган Фарғона водийси кузатув нуқталарида қўрғошиннинг ўртача аниқланган миқдори  $0,195 \pm 0,04$  мг/кг бўлди. Бир кунда организмга тушаётган миқдор 0,0065 мг ташкил қилди. Андижон вилоятида қўрғошиннинг сутдаги миқдори  $0,15 \pm 0,02$  мг/кг, Наманган вилоятида  $0,22 \pm 0,03$  мг/кг, Фарғона вилоятида  $0,16 \pm 0,009$  мг/кг, Фарғона шаҳрида эса  $0,23 \pm 0,02$  мг/кг ташкил қилди. Ҳисоб қилинган кунлик организмга тушаётган миқдори Андижон вилоятида 0,005 мг, Наманган вилоятида 0,007 мг, Фарғона вилоятида 0,006 мг, Фарғона шаҳридаги кузатув нуқталарида 0,008 мг ташкил қилди.

Маълумки, нитратлар қайтарилиш реакцияси натижасида организм учун хавфли бўлган нитритларга айланиб, захарли модда сифатида қондаги гемоглобинни метгемоглобинга айлантиради. Биз томондан текширилган сут маҳсулотлари таркибида ўрта ҳисобда нитратлар  $10,5 \pm 0,7$  мг/кг ни ташкил қилди. Албатта ушбу аниқланган рақамлар полиз экинлари таркибидаги нитратларга нисбатан жуда кам (сувда 50 мг/кг, қовунда 90, тарвузда 90, лавлагида 1600 мг/кг), аммо сутни доимий истеъмол қилинишини ҳисобга олсак, бу миқдорни потенциал хавфга эга эканлиги маълум бўлади.

Нитратларнинг сутдаги миқдори Андижон вилояти кузатув нуқталарида

8,4±0,7 мг/кг, Наманган вилоятида 10,3±2,1 мг/кг, Фарғона вилоятида 9,8±0,7 мг/кг, Фарғона шаҳрида 13,4±1,04 мг/кг ташкил қилди. Нитратларнинг максимал аниқланган концентрацияси 26,4 мг/кг ни ташкил қилди.

Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ёўзани етиштириш учун зараркунанда ва касалликлардан интенсив ҳимоя қилиш талаб этилади. Ушбу ҳолатда турғун ва ёғда эрувчи пестицидларни қўлланилиши, айникса хавфлидир. Уларга дихлордифенилтрихлорэтан (ДДТ) ва гексахлорциклогексан ГХЦГ (α, γ) киради. ДДТ препарати қўллаш республикада таъқиқланган, лекин Марказий Осиёнинг айрим республикаларида ушбу пестицид ҳамон қўлланилмоқда. Ўрганилаётган кузатув ҳудудларида ДДТ ва унинг метаболитларининг ўртача йиғиндиси 0,077±0,0045 мг/кг, кунлик организмга тушаётган миқдор 0,0027 мг ни, қатикда 0,04 мг/кг, сузмада 0,05 мг/кг, сметанада 0,02 мг/кг, простоквашада 0,001 мг/кг, қаймоқда 0,06 мг/кг ни ташкил қилди.

Фарғона водийси ҳудудларида хом сўт орқали организмга тушаётган ГХЦГ миқдорий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Аҳоли кузатув ҳудудларида сўт (хом сўт) таркибида ГХЦГ (α, γ) нинг миқдорий кўрсаткичлари (РЭД – 0,05 мг/кг)

| №  | Кузатув ҳудуди   | Фактик миқдори, мг/кг | Кунлик организмга тушаётган миқдори, мг |
|----|------------------|-----------------------|-----------------------------------------|
| 1. | Андижон вилояти  | 0,00052±0,00001       | 0,000018                                |
| 2. | Наманган вилояти | 0,00071±0,00002       | 0,000025                                |
| 3. | Фарғона вилояти  | 0,00061±0,00002       | 0,000021                                |
| 4. | Фарғона шаҳри    | 0,00054±0,00009       | 0,000019                                |
|    | Σ                | 0,0006±0,00004        | 0,000021                                |

ГХЦГ аниқланган кузатиш нуқталарида энг максимал миқдор Фарғона шаҳридан олинган синамаларда аниқланди – 0,019 мг/кг (кунлик миқдори 0,00067 мг). Жамики олинган маълумотларнинг ўртача қиймати 0,0006±0,00004 мг/кг, кунлик организмга тушаётган миқдор 0,000021 мг ташкил қилди. ГХЦГни соғилган сўтдан ташқари қаймоқда 0,0035±0,0006 мг/кг, кунлик миқдори 0,0001 мг, сметанада 0,0046±0,008 мг/кг, кунлик организмга тушаётган миқдор 0,00016 мг, қатикда 0,0018±0,0007 мг/кг, кунлик миқдор 0,000064 мг, сузмада 0,0028±0,00008 мг/кг, кунлик миқдор эса 0,0001 мг, бринзада 0,0041±0,0008 мг/кг, кунлик миқдори 0,00014 мг, пишлоқда 0,0038±0,0004 мг/кг, кунлик миқдори эса 0,00013 мг эканлигини кўрсатди.

Овқат рационидagi бактериологик кўрсаткичлар ДСЭНМлардан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинди. 2013 йилда олинган синамаларни 1933 тасидан 167 таси, яъни 8,6%, 2014 йилда 1073 олинган синамадан 147 таси ёки 13,7%, 2015 йилда эса 1915 синамадан 127 таси ёки 6,6% ижобий эканлигини кўрсатди.

Сут ва сут маҳсулотларининг ифлосланишига ифлос сув, пашшалар, паразитлар, кемирувчилар, уй ҳайвонлари, ифлосланган идишлар, касал одам ёки бактерия ташувчилар билан мулоқот сабаб бўлади. Жумладан, тадқиқотлар натижасида сут-товар фермаларининг ҳавосида умумий микроблар сони, гемолитик стафиллококк, стрептокок микдорининг санитар-гигиеник меъёрлардан 1,5-2 баробарга ошганлиги аниқланди.

Охирги йилларда илмий манбаларда она ва қорамол сутининг афлотоксинлар билан ифлосланганлиги тўғрисида маълумотлар пайдо бўлди. Ушбу маълумотлар Қозоғистон Республикаси ҳудудларида олиб борилган текширишлар натижасида олинган. Микотоксинларни 2013-2015 йиллар бўйича динамикада ўрганиш шуни кўрсатдики, 2013 йилда уларнинг ўртача миқдори  $0,0009 \pm 0,0002$  мг/кг бўлса, 2014 йилда  $0,0007 \pm 0,00003$  мг/кг, 2015 йилда ўртача  $0,0004 \pm 0,00003$  мг/кг аниқланди. Микотоксинларни озик – овқат рационидagi умумий миқдори камайиб бормокда. Фарғона водийси вилоятларидаги кузатув нукталарида олиб борилган текширишлар афлотоксинни қолдиқлари гигиеник меъёрлардан паст эканлигини кўрсатсада, умумий рациондаги микотоксинларни бошқа маҳсулотлардаги йиғиндиси ва уларни синергистлик хусусиятини ҳисобга олсак, аҳоли саломатлиги учун потенциал хавф мавжудлиги эътироф этилади.

Ҳар бир мамлакат озик-овқат ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни назоратини самарадор, ўзига хос тизимига эга бўлишни белгилайди. Бундай ишлаб чиқилган тизим ўзига хос овқатланиш статусини ва аҳолининг барча қатламлари саломатлигини таъминлаши зарур. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлишида озик-овқат саноатида модернизация қилишни, яъни ривожланган давлатлар янги технологияларини олиб келишни тақозо этади. Ўтказилган тадқиқотлар республикамизда ишлаб чиқарилган сут ва сут маҳсулотларининг кўрсаткичлари гигиеник меъёрларга мос келмаслигини кўрсатди.

Фарғона вилояти сут-товар фермалари ва шахслар томонидан сотишга олиб чиқилган сутнинг органолептик кўрсаткичлари 21,2% ҳолатда гигиеник меъёрларга жавоб бермайди. Ҳид 83,5% ҳолатда специфик бўлиб, гигиеник талабга жавоб беради. Ҳид ўзгариши таъм ўзгариши билан параллел эканлиги аниқланди. Таъм кўрсаткичининг таҳлили 79,5% ҳолатда сут хушбўй, енгил ширин бўлиб, қолган ҳолатларда аччиқ, эфир, чириган мева, чириган картошка, шўр, металл ва бошқа таъмлар аниқланди. Агар сут гигиеник меъёрларга кўра оч сарикроқ рангда бўлса, 10-15% ҳолатда сут сариқ, кўк, қизил ва кўнғир ранглarda бўлди. Сутнинг зичлиги 73,5% ҳолатдаги гигиеник талабларга жавоб берди (меъёр  $1,027-1,032$  г/см<sup>3</sup>). Сут фермасида зичликнинг ўзгариши кўп ҳолларда сут сифати фальсификация қилинганда содир бўлади. Қўлда тайёрланган сутларни 30% гигиеник талабларга жавоб бермайди. Бизнинг тадқиқотларимизда сутга 27,5% ҳолларда сув қўшилганда, қаймоғи олиб қўйилганда, сода қўшилганда (кислоталигини пасайтириш учун) аниқланди. Янги соғилган соғлом қорамол сутининг кислоталиги меъёрда  $16-21^{\circ}\text{T}$  бўлиб, олиб борилган текширишларнинг 74% ҳолатида кислоталикнинг пасайтирилганлиги



аниқланди. Биз томондан жорий этилган тадбирлар сут ва сут маҳсулотлари сифатининг ошишига сабаб бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мавжуд назорат тизими ва тадбирлар жорий қилингандан кейинги сут маҳсулотларининг гигиеник кўрсаткичлари

| Сутнинг гигиеник кўрсаткичлари    | Меъёр (РЭМ) | Тадбирлардан олдин, $M \pm m$ | Тадбирлардан кейин, $M \pm m$ | P        |
|-----------------------------------|-------------|-------------------------------|-------------------------------|----------|
| Органолептик                      | ўзига хос   | мос                           | мос                           | -        |
| Ёғлилиги, %                       | 3,2         | $2,8 \pm 0,1$                 | $3,2 \pm 0,2$                 | $>0,05$  |
| Зичлиги, г/см <sup>3</sup>        | 1,027       | $1,020 \pm 0,02$              | $1,026 \pm 0,01$              | $>0,05$  |
| Кислоталиги, °Т                   | 16-20       | $18 \pm 0,5$                  | $17 \pm 0,4$                  | $>0,05$  |
| Оқсил, %                          | 4           | $4,0 \pm 0,4$                 | $4,7 \pm 0,3$                 | $>0,05$  |
| Афлотоксин М <sub>1</sub> , мг/кг | 0,0005      | $0,00045 \pm 0,00005$         | $0,00028 \pm 0,00007$         | $<0,001$ |
| Қўрғошин, мг/кг                   | 0,5         | $0,195 \pm 0,02$              | $0,021 \pm 0,007$             | $<0,01$  |
| Мис, мг/кг                        | 1,0         | $0,49 \pm 0,03$               | $0,024 \pm 0,009$             | $<0,001$ |
| Симоб, мг/кг                      | 0,005       | $0,0041 \pm 0,0002$           | $0,0045 \pm 0,0001$           | $>0,05$  |
| ДДТ, мг                           | 0,05        | $0,0025 \pm 0,0004$           | $0,0024 \pm 0,0003$           | $>0,05$  |
| ГХЦГ(α, γ), мг                    | 0,002       | $0,00008 \pm 0,000002$        | $0,00004 \pm 0,000008$        | $<0,001$ |
| УМС, КОЕ/г                        | 5           | $7,2 \pm 0,6$                 | $3,8 \pm 0,4$                 | $<0,001$ |

3-жадвалда сут ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд назорат тизимида ва кузатув назорат нуқталари ўрнатилгандан кейин сут маҳсулотлари миқдорий кўрсаткичлари берилган бўлиб, жадвал маълумотларидан ўрнатилган тадбирлардан кейин сутнинг ёғлилиги 15%, зичлиги 1,026 г/см<sup>3</sup>, оқсиллар 13% ошганлиги, кислоталиги 6% яхшиланганлиги, умумий микроблар сони, қўрғошин, мис, ГХЦГ қолдиқларининг миқдори ижобий томонга ўзгарганлиги кўриниб турибди.

Шундай қилиб, Фарғона водийси вилоятларида аҳоли истеъмол қилаётган сут маҳсулотлари таркибида бегона моддаларни аниқланиши, аҳоли овқат рационининг муҳим элементларидан бўлган сут маҳсулотларида кимёвий ва биологик ксенобиотиклар мавжуд бўлиб, уларни суммар самараси гигиеник баҳоланганда, аҳоли саломатлиги учун потенциал хавф туғдиришини кўрсатди. Сут-товар фермаларида назорат ўрнатиш сут ва сут маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини ишлаб чиқаришдан то истеъмолчигача бўлган жараёнларда тўлиқ кафолатлайди.

Диссертациянинг «Сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда гигиеник шароитларга баҳо бериш» деб номланган бешинчи бобида Фарғона

